

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ
ИНСТИТУТИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ
МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ САМАРАЛИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ: НАЗАРИЙ-
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАР ВА АМАЛИЁТ
МУАММОЛАРИ**

*Республика миқёсидаги илмий-амалий
конференция*

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2022 йил 22 апрель

Тешабаев Т.З.

Тошкент молия соинститутини ректори

СОЛИҚЛАР – МАМЛАКАТ РАВНАҚИНИНГ МУҲИМ ДАСТАГИ

Қимматли вақтларингизни аямасдан мазкур анжуманда иштирок этаётганингиз учун барчангизга ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз!

Маълумки, глобаллашув ва рақамлаштириш жараёни электрон ҳукуматнинг кенг ривожланиши асосида солиқ маъмуриятчилиги соҳасига ҳам юқори талабларни қўймоқда. Жаҳон солиқ амалиёти далолат берадики, солиқ сиёсатининг ҳозирги замон талабларига мослашувчанлигини таъминлашнинг замирида солиқ маъмуриятчилиги сифатини ошириш масаласи ётмоқда.

Жаҳон солиқ амалиётида солиқ маъмуриятчилиги сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларда хуфиёна иқтисодиёт улушини камайтириш ҳисобига солиқ тушумларини сезиларли тарзда ошириш, солиқ маъмуриятчилигидаги самарасиз харажатларни қисқартириш йўналишлари очиб берилган. Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, айрим мамлакатларда солиқ тушумларининг юқори даражаси солиқ ахлоқи ва маданиятининг юқорилиги ҳамда солиқ қонунчилигининг барқарорлиги билан боғлиқ бўлса, бошқаларида иқтисодиётда солиқ юқининг юқорилиги, самарасиз имтиёзлар ва солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги боис солиқ тушумларининг паст даражаси мазкур тизимдаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон “Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар доирасида мамлакатда қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий рақамли шаклини жорий этиш, солиқлар ва йиғимларни ундиришда (тўлашда) солиқ органи ва банк тизими ўртасида электрон маълумот алмашинувини такомиллаштириш ҳамда назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини янада такомиллаштириш, шунингдек, давлат божи ва бошқа йиғимларни ундиришнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида солиқ маъмуриятчилигининг самарали усул ва воситаларини босқичма-босқич жорий этишнинг аҳамияти ва мазмунини тушунтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, қатор ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда таъкидлашим керакки, ҳозирги кунда аксарият мамлакатларда амалга оширилаётган рақамли трансформациялар давлат органлари ва биринчи навбатда солиқ органлари ва молия ташкилотлари фаолияти учун ўзига хос шарт-шароитларни белгилаб беради. Бундай шароитда анъанавий ва янги рақамли бизнес тузилмалари учун тенг солиқ режими ва бир хил солиққа

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ
САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАЪМИНЛАШ: НАЗАРИЙ-
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАР ВА
АМАЛИЁТ МУАММОЛАРИ**

*Республика миқёсидаги илмий-амалий
конференция материаллари
2022 йил 22 апрель*

**ТОШКЕНТ
«QAMAR MEDIA»
2022**

УЎК 336.02(575.1)
КБК 65.261.4(5Ў36)

Таҳрир ҳайъати аъзолари:

Уразалиев К.Т., Усманова М.С., Джамалов Х.Н., Бердиева У.А., Шодиев О.А.,
Артиков Н.А., Ибрагимов Б.Б.

«Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолиятини таъминлаш: назарий-концептуал асослар ва амалиёт муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: «QAMAR MEDIA», 2022. – 783 б.

Мазкур илмий-амалий конференция материаллари Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган солиқ сиёсатини такомиллаштириш жихатларини камраб олган ҳамда улар юзасидан муаллифларнинг фикр-мулоҳазаларини ўзида мужассам этган. Илмий тезисларнинг мазмуни ва унда келтирилган маълумотларнинг тўғрилигига муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Материалы научно-практической конференции включают в себя приоритетные направление Стратегии развития совершенствования налоговой политики в повышении конкурентоспособности национальной экономики, а также научные взгляды и собственные мнения авторов. Следует отметить, что за содержание текста тезиса ответственность несут авторы.

The materials of the scientific-practical conference include the topical problems of improving tax policy to improve the competitiveness of national economy, as well as scientific views and opinions of the author's. It should be noted that, the authors of the abstracts are responsible for the content of the text.